

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 120-ҳадис

120 – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اتَّقُوا اللَّاعِنِينَ»
قَالُوا وَمَا اللَّاعِنَانِ؟ قَالَ: «الَّذِي يَتَّخِلِّي فِي طَرِيقِ النَّاسِ أَوْ فِي ظِلِّهِمْ». رواه مسلم.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Икки лаънатловчидан сақланинглар»**, дедилар. Одамлар: **«Эй Аллоҳнинг Расули, икки лаънатловчи нима?»** дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамларнинг йўлига ва соя жойига хало қилган»**, дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Шундай ишлар борки, уни амалга оширган киши лаънатга дучор бўлади. Ислом ўз тобеълари, эргашувчиларини бундай нарсага йўлиқиб қолишдан огоҳлантиради. Бошқа томондан бу одамларга меҳрибонликдир. Одамлар бошқаларга танглик келтирадиган нарсани амалга ошириб қўйишади. Масалан, дам оладиган жойларини ифлос қилиб ёки сояланадиган салқин жойларга ҳожат чиқаришади. Ёки одамлар юрадиган умумий йўлларда мушкуллик ва ноқулайлик юзага келтириб чиқариб, бошқаларга озор беради.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муслмон киши лаънатга сабаб бўладиган ҳар қандай ишдан узоқда бўлади.
2. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муслмоннинг ҳар ишида эътиборли бўлганлар. Муслмоннинг лаънатга учрашига асло рози бўлмаганлар.
3. Муслмон киши одамлар юрадиган йўлга ҳожат чиқариб, уларга озор бермайди.
4. Соя-салқин жойларда одамлар дам олади. Инсон ундай жойни тозалигига риоя қилади.
5. Ислом атроф муҳит тоза бўлишини истайди. Шунингдек, бошқалар ҳис-туйғусини ҳурмат қилишга чақиради.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI